


Agro Inform

www.agro-inform.uz

Аграр-иқтисодий, илмий-оммабop журнал

ISSN 2181-2411

MAXSUS SON [2] 2021



- **ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР
МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА
ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ
ИНТЕГРАЦИЯСИ**



- **Йил сайин ширинмия илдизининг
ортиб боришини ҳисобга олиб, 3-4 йиллик
ширинмия доривор илдиз қаламчаларини
ковлаб олиб, турли мақсадларда
фойдаланиш мумкин эканлиги
исботланди.**



А.Ганиев, Б.Темиров. Тиканли ковул ўсимлигининг дориворлик хусусиятлари ва уни кўпайтириш усуллари	55
Н.Худайберганов. Хоразм воҳаси шароитида доривор мойчечак (<i>Matricaria chamomilla</i> L.) плантацияларини ташкил этиш	57
О.Ҳожиматов, З.Қосимов, Ф.Акбаров, У.Қодиров, А.Хўжанов. Ўзбекистонда айрим доривор ўсимликларнинг этноботаник таҳлили	59
Т.Хушатов, А.Нигматуллаев, А.Кўзиев, С.Абдуназаров. Янги истиқболли доривор ўсимлик <i>Silene viridiflora</i> L. нинг (Caryophyllaceae) агротехнологияси	61
М.Низомова, Д.Эргашова, Ш.Солижонов. Тўмтоқ баргли сано (<i>Cassia obovata</i> collad.) уруғининг сифат кўрсаткичлари ва уруғ тозалигини аниқлаш	62
Э.Ахмедов, М.Ахмедов. Ихтисослашган ўрмон хўжаликларида доривор ўсимликларни етиштириш технологияси	65
С.Эрийгитова, З.Пазилбекова. Амарант (<i>amaranthus</i>) ўсимлиги уруғларининг сифат кўрсаткичини аниқлаш	68
В.Қодиров, Н.Хасанов, З.Исмаилов, Ҳ.Ташпо'латов. Samarqand o'lmaso'ti urug'larini o'stirish uchun sterilizatsiyalash va optimal oзуqa muhitlari	70
Л.Жаҳарова, С.Турдиев. Oddiy archa (<i>Juniperus communis</i> L.) va g'arb tuyasining (<i>Thuja occidentalis</i> L.) dorivorlik xususiyatlari	72
Е.Исомов. Artishok "Imperial" navining o'sish va rivojlanish fazalari	75
С.Тураева, Р.Закирова, А.Данилова. Антимикробная активность экстракта растения <i>Harporhllum perforatum</i>	77
З.Зупарова, Г.Исмоилова. Определение доброкачественности суппозиторий с иммуномодулирующим действием на основе местного сырья	78
Б.Абдурахманов, Г.Сотимов, Р.Халилов, К.Гулямова. Математическое планирование процесса экстракции суммы флавоноидов из <i>Zea mays</i> L.	80
М.Аманова. Интродукция <i>Lyсium chinense</i> mill. в условиях Мирзачуля	83
З.Буриев, Х.Убайдуллаева, Б.Гафурджанов. Каллусогенез в культуре вегетативных органов гинкго двулопастного (<i>Ginkgo biloba</i> L.)	85
Б.Гафурджанов, Э.Бердиев. Агротехнология выращивания посадочного материала гинкго двулопастного (<i>Ginkgo biloba</i> L.) с закрытой корневой системой	88
Л.Гафурова, О.Эргашева, Н.Пахрадинова. Структура педофауны эродированных горных земель и их роль в биоиндикации почв по степени деградации	92
Р.Лаптева, Ф.Рашидова. Предпосылки культивирования Снежнаягодника белого (<i>Symphoricarpos albus</i> (L.) Blake) на территории г. Ташкента	93
И.Мукумов, Б.Нигматуллаев, Х.Рахматов, А.Нигматуллаев. Распространение и запасы надземной части <i>Ferula foetida</i> (bunge) regel (apiaceae) в Навоийской области Узбекистана	96
С.Тураева, У.Мамарозиков, Р.Закирова, С.Аллакулова. Биоинсектицид в борьбе с тлей <i>Sapparis spinosa</i>	97
Х.Рахматов, И.Мукумов, Б.Нигматуллаев, А.Нигматуллаев. Распространение и сырьевые запасы <i>Astragalus villosissimus</i> в Узбекистане	99
Н.Юлдашева, Ш.Иботов, Ф.Абдуллаев, С.Гусакова. Экспресс-анализ липидов семян некоторых видов растений коллекционных образцов мирового генофонда	101
Н.Юлдашева, Х.Хакимов, Ш.Иботов, С.Гусакова. Влияние сроков хранения на состав коммерческого лецитина	104
З.Зупарова, Г.Исмоилова, У.Ишимов. Количественное определение хлорогеновой кислоты в активном веществе капсул «Иммунацея»	106
Р.Закирова, Э.Курбанова, С.Салимова, К.Сафаров. Индукция каллусогенеза in vitro растений <i>Astragalus</i>	108
Э.Курбанова, Р.Закирова, П.Нурмахмадова. Применение комплексной обработки семян некоторых видов астрагалов с целью повышения их всхожести	110
Б.Самадов, Ф.Джалилов. Результаты выращивания лекарственного растения "Momordica charantia L." в условиях Бухарской области Республики Узбекистан	112

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
2. Аллаяров М., Холматов М. Наъматакзор қатор оралиғига доривор ўсимликлар ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари экиш // O'zbekiston qishloq xo'jaligi.- Тошкент, 2013.- №6. 23-б).
3. Аллаяров М.У., Маматкаримов А.И., Ахмедов Э.Т. Наъматак экин майдонларини барпо этиш ва қатор оралиғида доривор ўт ўсимликлардан фойдаланиш технологияси бўйича қўлланма. Тошкент. "Фан ва технология" нашриёти 2014. 28 б.
4. Ахмедов Ў, Эргашев А, Абзалов А, Юлчиева М. Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси ва экология. Тошкент. 2009. 239-243 б.
5. Бердиев Э.Т., Наъматак – табиий витаминлар хазинаси. (Монография). Тошкент, ЎзР ФА Минитипографияси 2017. -178 б.

УЎТ: 634.9

ТАДКИҚОТ

АМАРАНТ (AMARANTHUS) ЎСИМЛИГИ УРУҒЛАРИНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧИНИ АНИҚЛАШ

Ситора ЭРЙИГИТОВА,

Тошкент давлат аграр университети магистранти,

Замира ПАЗИЛБЕКОВА,

Фармацевтика фанлари фалсафа доктори,

Тошкент давлат аграр университети доценти.

Аннотация. В статье изучалось хозяйственное значение растения амаранта и его целебные свойства в медицине. При определении чистоты семени учитывалось его полное созревание, целостность, поврежденность цветочной части семени, сморщенные или отогнутые в одну сторону семени, примешанные к семени стручки. Установлено, что в лабораторных условиях всхожесть семян растения амаранта достигает 98%.

Ключевые слова: лекарственные растения, амарант, варианты, семена, биологические активные вещества, фитомасло, растительное масло.

Annotation. The article examines the importance of the amaranth plant in the economy and its medicinal properties in medicine. In the laboratory, it was found that the seed germination of the Amaranth plant reaches 98%.

Keywords: medical plants, Amaranthus, phyto oil, option, seeds, biologically active additives, phyto-oil, vegetable oil

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4670-сонли қарори асосида доривор ўсимликларни етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш маҳаллий хомашёлар асосида аҳолининг юқори фармакологик самарадорликка эга, арзон ва ноҳўя таъсирлари кам бўлган дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш вазифаси ётади [1].

Тажриба объекти ва услуги: Шундай ўсимликлардан бири Амарант – Amaranthus оила-сига мансуб бўлиб, гули майда гулли тўпгул, пушти, тўқ пушти, қизил ва тўқ қизил бўлганлиги ва хўроз тожини эслатганлиги учун халқимиз орасида

«гултожихўроз» номи билан аталадиган бир йиллик ўсимлик бўлиб, турли йўналишларда, жумладан: сабзавот (Amaranthus gangeticus, Amaranthus mangostanus), донли (Amaranthus caudatus, Amaranthus paniculatus), манзарали ва (Amaranthus blitum) озуқа экинлари сифатида етиштирилади.

Амарантнинг энг қимматли ва шифобахш қисми – бу унинг уруғидир. 100 грамм амарант уруғи 370 калорияга эга бўлиб, таркибида 7 грамм липидлар, 4 мг натрий, 508 мг калий, 65 мг углеводлар, 1,7 мг шакар, 14 мг оксил, 159 мг кальций, 4,2 мг витамин С, 7,6 мг темир, 248 мг магний, 0,6 мг витамин В6, ва бошқа витаминлар учрайди [2,3].

Бизнинг изланишларимиздан мақсад, амарант ўсимлигини Тошкент воҳаси шароитида қупайтириш усуллари ишлаб чиқиш мақсадида уруғ унувчанли-

Амарант ўсимлиги уруғ сифат кўрсаткичлари

№	Олинган уруғ намунаси оғирлиги, г	Тўлиқ етилган ва бутун уруғлар		Зарарланган уруғлар (бурушган, эгри, синган)		Аралашмалар (ноҳол, синган уруғ парчалари)	
		г	%	г	%	г	%
1	-	-	-	-	-	-	-
2	5,0	3,40	68	0,85	17	0,75	15
3	5,0	3,95	79	0,55	11	0,5	10
4	5,0	4,35	87	0,35	7	0,3	6

гини аниқлаш ҳамда уруғларни сифатига баҳо бериш.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Доривор ўсимликлар уруғчилигида уруғларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади. Уруғларнинг сифат кўрсаткичларига 1000 та дона уруғ оғирлиги, уруғнинг тозалиги, униш энергияси ва униб чиқиш тезлиги киради.

Илмий изланишларимизда Амарант уруғи жуда майда бўлиб, 1000 та уруғининг оғирлиги 0,67 граммни ташкил этди. Лаборатория шароитида ўсимлик уруғларининг унувчанлиги яхши бўлиб, (+23, +25°C да) 98% ни ташкил этиши аниқланди [4].

Уруғнинг тозалигини аниқлашда унинг тўлиқ пишиб етилганлиги, бутунлиги, уруғ гул олди қисмининг зарарланганлиги, бурушган ёки бир томонга эгилган уруғлар, уруғга аралашган похоллар аралашмалари ўрганилди. Амарант ўсимлиги уруғининг тозалигини аниқлаш учун, ҳар бир вариантдан 0,5 гдан 4 та намуна олинди ва ҳар бир уруғ намуналари алоҳида лупа ёрдамида кўздан кечирилиб, тўлиқ пишиб етилган, бутун уруғлар бир бўлакга, зарарланган, бурушган, қийшиқ, иккинчи бўлакга, уруғлар орасидаги похоллар, синган уруғ бўлакчалари учинчи бўлакга ажратилди. Ажратилган ҳар бир уруғ бўлакчлари алоҳида тарозиди тартиблик уларнинг оғирлиги аниқланди ва

олинган умумий намуна (0,5 г) оғирлигига нисбатан фоиз миқдорлари аниқланди.

Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Тажрибанинг 1-вариантида уруғлар кам бўлганлиги учун улар инобатга олинмади, тажрибанинг қолган вариантларида (2,3,4-вариантлар) энг сараланган яхши уруғлар умумий оғирликга нисбатан 79-87% ни ташкил қилди. Амарант ўсимлигининг уруғ сифат кўрсаткичларида эса энг юқори натижа тажрибанинг 4-вариантида 87,0% қайд қилинди, бу кўрсаткич 2-вариантга нисбатан 19%, 3-вариантга нисбатан эса 8% юқори бўлди.

Уруғларнинг бошқа кўрсаткичлари, яъни зарарланган уруғлар ва аралашмалар миқдорлари юқорида қайд қилинган 4-вариантда бир мунча (7,0%, 6,0%) кам бўлганлиги аниқланди.

Хулосалар. Илмий изланишларимизда Амарант уруғи жуда майда бўлиб, 1000 та уруғининг оғирлиги 0,67 граммни ташкил этди. Лаборатория шароитида ўсимлик уруғларининг унувчанлиги яхши бўлиб, (+23, +25°C да) 98% ни ташкил этиши аниқланди.

Уруғларнинг бошқа кўрсаткичлари, яъни зарарланган уруғлар ва аралашмалар миқдорлари юқорида қайд қилинган 4-вариантда бир мунча (7,0 %, 6,0 %) кам бўлганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 4670 -сон қарори.
2. Олимжонов Ш.С. Маҳаллийлаштирилган *Amaranthus* ўсимлиги уруғларини қайта ишлаш маҳсулотларининг кимёвий таркиби ва улар асосида биологик фаол қўшимчалар яратиш. Кимё фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Тошкент - 2021.
3. Кадошников. С.И. Фармакологические свойства амаранта. *Аграрная Россия*. 2001. - №6. - С. 39-42
4. Пазилбекова З.Т. Эрйигитова С. Амарант (*Amaranthus*) ўсимлиги уруғларининг унувчанлиги ва дориворлик хусусиятлари. Тошкент-2021. Ўзбекистон аграр хабарномаси, №2(86/2), 2021, 159-161-б.